Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 114 (5405).
22 МАЙ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

«Средазтранссторой» коллективи партия қарорларини амалга ошириш борасида кўнгилдагидек ютуқларни қўлга киритиб келяпти. Трест коллективи беш йиллигининг уч йиллик планини муддатидан илгари бажариб, социалистик мусобақада ҳамон карвонбошилик қилиб келяпти. Улар ўтган йили 18 миллион 206 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

Бундай ютуқларга трест бўлинмаларида бригада пудрати методини кенг жорий этиш туфайли эришилмоқда. Масалан, ўтган йили қурилиш-монтаж ишларининг 78 процентини ана шу бригада пудрати методи асосида амалга оширилди. Бунга 14-механизациялашган колоннанинг И. Котляр бошлиқ комплекс-механиза ц и я лашган бригадаси коллективи муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Умумий ютуққа ҳисса қўшишдан трест ихтирочи ва рационализаторлари ҳам четда қолишмаяпти. Улар ҳам бу «хирмонга» муносиб улуш қўшиб келмоқдалар. Чунончи, ижодий фикр кишилари меҳнат самарадорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш бўйича мосламаларни, техникани такомиллаштириш бўйича самарали ишларни амалга ошириб келяптилар. Уларнинг кўпгина ихтиролари СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида намойиш этилади.

Шу кунларда трест бўлинмаларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа янада кизиб кетди. Трест қурувчилари 1984 йил план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бутун резервларни ишга солмоқдалар.

В. САФАРОВ,
«Средазстроймеханизация» трести техника бўлими бошлиғи.

тонгги газеталарда

● Германия Федератив Республикаси федерал канцлерининг ўринбосари, федерал ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер Совет ҳукуматининг таклифига биноан 20 май куни Москвага визит билан келди.

Аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар уни кутиб олдилар.

● Корея Меҳнат партияси Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикаси партия-давлат делегацияси Красноярскда тўхтаб ўтди.

Меҳмонлар Красноярскда бўлган вақтида ГЭСни бориб кўрдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

● Келгуси йил ёз фаслида Москвада Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалини ўтказиш юзасидан Ленин комсомолининг ташаббусини чет мамлакатларда турли сиёсий маслакдаги ёшлар ва студентлар ташкилотлари кенг қўллаб-қувватламоқдалар. 21 май куни Москвада бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирилди.

Ҳозир комсомол ташкилотларида ана шу анжуманга қизғин тайёргарлик бошланди. Юзлаб ёшлар коллективлари фестиваль очиладиган кунгача беш йиллик топшириқларини бажаришга қарор қилдилар. Ҳамма жойда йигит ва қизларнинг анжуманда қатнашиш ҳуқуқи учун мусобақаси кучайтирилмоқда.



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилган Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Мария Семёновна Чекмазова ўз хизмат зонасини яна беш дастгоҳга кенгайтиришга аҳд қилди. М. Чекмазованинг ушбу корхонада ишлаётганига 30 йилдан ошди. Ҳозир у нормадаги 20 ўрнига 35 дастгоҳга хизмат кўрсатяпти. Меҳнатдаги муваффақиятлари учун у «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган.

СУРАТДА: М. С. Чекмазова.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

КЎРГАЗМАДА ЯНГИ МЕБЕЛЛАР

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг Юнусобод массивида жойлашган Тошкент фирмали магазинида мебель савдо-кўргазмаси очилди. Тармоқ корхоналари бу йил ишлаб чиқаришни режалаштирган барча янги буюмларининг намуналари қўйилган. Булар орасида корпус мебели ва юмшоқ мебель комплекти, ёзув ва овқатланиш столлари, кўпгина бошқа буюмлар бор.

Ҳар бир янги буюм учун магазинда журнал тутилган. Харидорлар намойиш этилган мебель тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини, уларни такомиллаштиришга оид таклифларини шу журналларга ёзадилар. Тармоқ корхоналари ишлаб чиқараётган мебель барча турларининг каталоги биринчи марта харидорларга тавсия этилди. Айни вақтда харидорлар билан анкета орқали савол-жавоб ўтказилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, савдо-кўргазма тармоқ ходимларига аҳолининг талаб-эҳтиёжларини яхшироқ ўрганишга, маҳсулот сифатини оширишга кўмаклашади.

(ЎзТАГ).

• *Санъат янгилиги*

«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ»

БУГУН

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига қарашли бадиий кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси коллективи Хоразм областининг Гурлан районига «Ўзбекистон — менинг Ватаним» тасвирий санъат асарлари кўргазмасини юборди.

Бу кўргазма Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик тўйи олдидан ташкил қилинди. Бир ой давомида район марказида намойиш этиладиган кўргазмадан Ўзбек тасвирий санъатининг сара асарлари ўрин олган. Унда таниқли рассомлардан Ч. Аҳмаров, Ж. Умарбеков, Р. Чориев, А. Юнусов, Р. Темуров, Ю. Тальдигин, Н. Кашина, Д. Имомов, Д. Зилдерман каби рассомларнинг қатор сермазмун асарлари бор.

Мўйқалам усталари ўз асарларида серқуёш ўлкамизнинг забардаст меҳнат кишилари образини, улкан қурилишлар манзарасини, далаларда олиб борилаётган жўшқин меҳнат палласини завқ билан тасвирлаганлар. Бундан ташқари живопись асарларида республикамизнинг ташкил топиши, унинг дастлабки йилларда қўлга киритган илк ютуқлари, ўлкамизда юз берган буюк ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Дирекция коллективи яна бир катта халқаро аҳамиятдаги кўрикка тайёргарлик кўрмоқда. У ҳам бўлса Тошкент шаҳри билан биродарлашган Скопье шаҳрида намойиш этиладиган кўргазмадир.

ОЛМАОТАДА ЎЗБЕК САНЪАТИ НАМОЙИШИ

БУГУН

Қардош Қозоғистон ССРнинг пойтахти — Олмаотада, Қозоғистон ССР Маданият министрлигига қарашли бадиий кўргазмалар ва панорамалар дирекциясининг намойишлар залида ўзбек халқ амалий санъати кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги қошидаги бадиий кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси санъатшуносларидан бу кўргазма учун 300 дан зиёд экспонатни танлаб олишди. Унда республикамизнинг барча областларида ижод қилаётган халқ усталарининг нафис ва жозибали асарлари ўрин олган. Керамика, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик буюмлари, чўғдек товланувчи гиламлар, кандакорлик асарлари қозоқ томошабинлари диққатига ҳавола этилган.

• *Сўз — фестиваль қатнашчиларига*

УШАЛГАН ОРЗУ

СУРЕКХА,
Ҳиндистон киноактрисаси ва раққосаси.



— Сизнинг серқуёш диёрингиз ҳақида кўп эшитган ва ўқиган бўлсам ҳам, бу заминга биринчи бор қадам қўйишим. Ўтган йили Москвада бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалда қатнашиб ўзбек ижодкорлари яратган фильмни кўрганимда бу пахтакор ўлкага албатта келиш ҳақида орзу қилган эдим. Мана, орзу рўёбга чиқди. Тошкент кўчаларида, боғларида аллақандай яхши ҳиссиётлар билан одим ташлар эканман, Тошкент кинофестивали арафасидаги кўтаринки руҳ ва кайфият менга бир талай қувонч бахш этмоқда.

Ўзбек томошабинлари Ҳиндистоннинг машҳур раққосаси ва киноактрисаси Ванжантималанинг Тошкентда берган концертларини ва у иштирок этган фильмларни кўриб катта завқ олишган. Мен ҳам ўз навбатида раққоса устозим ва дугонам каби ўзбек томошабинларининг олқишини олиш ниятидаман.

Менинг ижрочилик репертуаримдан жуда кўп ҳинд классик рақслари ўрин олган. Бу рақсларда ҳинд аёлларининг орзу-умидлари ва уларнинг гўзаллиги тараннум этилади. Бу рақсларнинг энг жозибали лавҳалари ҳам Тошкент кинофестивалида намойиш этиладиган «Мангай банкири» деган фильмда қамраб олинган.

Тошкент Халқаро кинофестивалин и н г шиори ўз олдига жуда катта мақсад ва вазифани қўйган. Бу шиор уч қитъа мамлакатларининг кино усталарини ягона мақсад йўлида бирлаштиради, ғоя ва мавзуларни муштарак қилади. Чунки Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқлари тақдирида ўтмишнинг ярамас иллатларини тугатиш, тараққиёт ва истиқбол йўлида янгидан-янги уфқлар очиш, бахтли ҳаётни яратиш керак.

КИНО УСТАЛАРИНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Б. ҚОРИЕВА,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

— Уч қитъа кино усталари билан бўладиган учрашувларни орзиқиб кутган эдик. Ниҳоят бу кунлар келди. Ўзбекистон пойтахти мана саккизинчи марта фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини қучоқ очиб кутиб олмоқда. Биз ўн кун мобайнида Япония ва Афғонистон, Мадагаскар ва Лаос, Ҳиндистон ва Туркия ҳамда ўнлаб бошқа мамлакатларнинг киносанъати усталари билан яқиндан танишамиз.

Тошкент кўриги бизни ўнлаб ёш тажрибали режиссёрлар, операторлар ва сценаристлар билан ошно қилади. Меҳмонларимиз тинчлик ва дўстлик шаҳри, Совет Ўзбекистони пойтахти — кинофестиваль маскани дан бир олам таассурот оладилар.

Эртага Тошкентнинг улкан экрани саккизинчи марта нурафшон бўлади. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро кинофестивали тантанали очилади. Биз ана шу воқеа арафасида фестивалнинг асосий қароргоҳи бўлган «Ўзбекистон» меҳмонхонасида бўлдик. Бу бино бизга таниш бўлган эмблема ва ундан таралиб турган ёркин бўёқли байроқлар билан безатилган. Транспарантларда ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори ёзилган. Меҳмонхонанинг тўртинчи қаватида фестиваль бош дирекциясининг барча хизмат хоналари жойлашган.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатлардан фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Тошкентга етиб келишмоқда. Уларга пойтахт олий ўқув юртлари — педагогика, чет тиллар институтлари, Тошкент давлат университети шарқ ва роман-герман факультетлари битирувчилари ва студентлари таржимон тариқасида бириктириб қўйилган. Меҳмонларга кўрсатиладиган хизматлардан бири —умумий овқатланишга ҳам муносиб тайёргарлик кўриб қўйилди.

— Дастурхон безатиш ҳам ҳар бир уй бекасининг масъулиятли юмушидир,— дейди «Ўзбекистон» ресторани директори Шукур Назирович Абдуллаев. — Бизнинг катта дастурхонимизга нонушта, тушлик ва кечки таом учун бир йўла 700—900 киши марҳамат қилади. Биз беш тилда меню ни нашрдан чиқардик. Унда европача таомлардан ташқари ўзбек миллий таомлари «Тошкент» жаркопи, манпари, «Тошкент» ичимлиги, оби нон, патир ва кўплаб талайноз-неъматлар акс эттирилган. Овқатлантириш хизмати ходимлари сафида бундан олдин кўпгина халқаро анжуман ва кенгашларда хизмат кўрсатиб, етарли тажриба орттирган маҳоратли пазандалар бор. Улар таомларни лаззатли ва тотли тайёрлашнинг сирини яхши эгаллашган. Аввалги фестивалда 101 мамлакатнинг вакиллари интернационал меню ҳақида яхши мулоҳазаларни ёзиб қолдиришган эди. Бу сафарги фестивалда 50 га яқин пазанда ва 140 официант хизмат кўрсатади. Биз учун ғоятда масъулиятли дамлар бошланди. Биз меҳмон-навозлик санъатимизни кўрсатишимиз лозим. Катта юмушга шай бўлган ходимларимизнинг кўпчилиги Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент конференцияси, ЮНЕСКО кенгашида хизмат кўрсатишган, Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ конкурсида қатнашишган.


Матбуот марказида ўнлаб агентликлар, газеталар ва журналларнинг мухбирлари аккредитация қилинди. Аввалги кинофестивалдар каби бу VIII Халқаро кўрик доирасида кино бозори ҳам ташкил этилган. Унда иттифоқчи республикаларимизда яратилган фильмлар намойиш этилади. «Кинофестиваль кинойўлдоши» журнали уч қитъа мамлакатлари кинематографияси, янги лентaлари, фестиваль қатнашчилари ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкент ва тошкентликлар VIII Халқаро кинофестивалда бўладиган янги-янги учрашувлар, фильмларни сабрсизлик билан кутишмоқда.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон» меҳмонхонаси фестиваль арафасида. Ёхна таомлар цехида пазандалар бошлиғи Т. Каримов маҳорат билан ишлаяпти. Ошпазлар А. Раҳимов ва М. Қорабоев; комсомол-ёшлар сменасининг официантлари Х. Ҳакимов, А. Исаев, кондитер Т. Содиқова, бригадир Э. Йўлдошев.

Т. Каримов фотолари.







ХУШ КЕЛИБСИЗ!

МАРҲАБО, МЕҲМОНЛАР!

Ю. СТЕПАНЕНКО,
«Ташсельмаш» заводи токарь-автоматчилар бригадаси бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати.

— Серқуёш Ўзбекистон пойтахти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали қатнашчиларини ва меҳмонларини саккизинчи марта кутиб олмоқда. Шаҳримиз саккизинчи марта кўпгина мамлакатлар кинематограф и я с и ютуқлари кўриги ўтказиладиган, тараққийпарвар киносанъатини бирлаштирган марказга айланди.

Шу нарсани мамнунлик билан айтиб ўтиш керакки, кинофестиваль экранларида яқиндагина мустамлакачилик зулмидан халос бўлган бир қатор мамлакатларда юз берган воқеалар тўғрисида, шахснинг шаклланиши, озодлик ва мустақиллик тушунчасини чуқур англаган янги инсоннинг шаклланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий лентaларни кўпроқ кўришга муяссар бўляпмиз. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг кино ижодкорлари асарлари биз тошкентликлар учун қизиқарли бўлади.

Тошкент ишчилар синфи кинофестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларини самимий қутлайди, уларга ижодий муваффақиятлар тилайди. Бу сафарги киноанжуманига ҳавола этилган кино асарлари халқларимиз ўртасидаги муносабатларни яқинлаштиради, ўзаро тушунча ва тинчлик ишини мустаҳкамлашда яқиндан ёрдам беради.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Октябрь райони индустриясининг ходимлари йил бошидан бери планга қўшимча равишда бир миллион сўмлик олий сифат категориясига эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқардилар. «Средазэнергоцветмет» приборларига, бадиий буюмлар фабрикаси, «Малика» трикотаж бирлашмаси, тикувчилик, чарм-галантерия ва спорт буюмлари бирлашмаларининг маҳсулотларига халқ хўжалигида ва аҳоли ўртасида эҳтиёж катта.

●

Иссиқ кунларда салқин ичимликларга талаб ошади. Буни ҳисобга олиб, «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириб, ассортиментини кенгайтирмоқда. Шаҳар савдо тармоқларига «Тархун», «Ўзбекистон» ва «Оқшом» деб номланган янги ичимликларнинг дастлабки туркуми жўнатилди. Бу ичимликларнинг аксарияти маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 25 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18—20, кундузи 31—33 даража иссиқ бўлади.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИГА ТАЯНИБ

— Бизнинг шестерняларга ишлов берувчи комплекс бригадамиз КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материаллари билан катта эътибор билан танишиб чиқди. Коллективимиз ҳали бизда фойдаланилмаган резервлар бор деган хулосага келди.

Ҳозир энг муҳими, эришилган ютуқлар билан чекланмаслик, беш йилликнинг ўтган уч йилида эришилган муваффақиятларни ривожлантиришдан иборат.

Мен партия қарорларига жавобан меҳнат унумдорлигини план-топшириқлар д а н кўзда тутилганига қўшимча равишда 1,8 процент ошириш мажбуриятини олганман. Сарф нормаси, ишлаб чиқариш режими ва тежамкорликни кучайтириш эвазига 7200 сўмлик материал ва кесувчи асбобларни тежаймиз. Бригаданинг беш аъзоси бу йил малакасини оширишни, ўн киши эса қўшимча касбларни эгаллашни зиммаларига олишган.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири Леонид Недорезовнинг қатъий ишонч билан йўғрилган бу гаплари ўз жамияти олдида жавобгар ҳар бир шахсни ўйлатади, имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишга чорлайди.

Л. Недорезов ватанпарварлик ташаббуси билан чиққан тўққиз илғор бригадирлардан бири эканлиги ҳурматли оқшомхонларга сир бўлмаса керак. Леонидни бирлашмада ҳамма танийди. Корхонанинг жонкуяр ишчилари қатори унинг ҳам исм-шарифи бошқалар га намуна. Бошқалар? Ким у «бошқалар»?

— КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларида таъкидлаб ўтилган, ташаббускорлар ҳам ишонч билан, алоҳида урғу бериб гапираётган «резерв ва имкониятларни» айнан шу жойдан қидириш керак, — дейди Л. Недорезов.— Бошқалар — бу тажрибаси кам, малакаси, касби профессионал лиги талабларига жавоб беролмайдиган ишчилардир. Бу соҳада, менимча меҳнат ветеранлари айниқса қўл келади. Ҳолбуки, малакасиз ишчининг келажакдаги муваффақиятини таъминлайдиган кишн меҳнат ветеранидир. У албатта қолоқнинг ўрнига ишлаб бермайди. Лекин энг муҳими — у ўргатади.

Бирлашм а н и н г 28-цехида энг илғор коллективлардан бири саналадиган Л. Недорезов бригадаси республика юбилейи шарафига беш йиллик план-топшириқлар и н и бажариш учун камарбаста бўлиб майдонга чиқди. Шонли санагача меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда 1 процент ўстиришга, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтиришга эришилади. Бригаданинг А. Жўрабоев, Г. Аҳмаджонова, фрезерчилар Д. Баракаев, Р. Қиёмов, токарь В. Крилов, созловчи Н. Иброҳимов сингари коммунистик меҳнат зарбдорлари аллақачон қимматли ҳаракат машъаллари сафида ном қозонишди. Ташаббус тобора кенг қулоч ёймоқда. Айни пайтда бирлашма бўйича 32 та бригаданинг 700 га яқин аъзоси республиканинг 60 йиллик муборак айёмини тўрт ярим йиллик план-топшириқлар и н и бажариш билан пешвоз олиш учун курашяпти. Фидойилар сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

28-цех коллективи шонли йилда 26 мингдан ортиқ машина-комплектлар, 354 минг сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Цехнинг 260 ишчисидан 60 нафари ҳозирги кунда келаси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. 150 ишчи эса юбилейгача тўрт ярим йиллик планни уддалаш учун тер тўкяпти.

Бирлашманинг 900 га яқин меҳнат ветерани ҳозирги долзарб кунларда мураббийчилик анъаналарига содиқ қолиб, ёш, тажрибасиз ишчиларнинг ўз касбини пухта ўзлаштириб олишига яқиндан ёрдам бермоқда. Бу борада ветеранлар Совет олиб бораётган хайрли ишлар мақтовга лойиқдир. Шунинг учун корхонада кадрлар қўнимсизлигига деярли барҳам берилган. М. Туробов, В. Пименов, И. Анашкин, Г. Боқибоев, В. Харитонова, В. Тишина, Ф. Низомиддинов сингари тажрибали ишчилар ватанпарварлик ҳаракатининг ижтимоий аҳамиятини яхши тушуниб, ёш ишчилар билан биргаликда қувончли натижаларга эришмоқдалар.

2, 3, 7-цехларнинг меҳнатсевар коллективлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳам ибратли бўлмоқда. Юбилей шарафига оширилган социалистик мажбурият олиб меҳнат қилаётган бригадалар, участкаларда «Зарбдор меҳнатимиз — республиканинг 60 йиллигига» алвон шиорлари ярқ этиб кўзга ташланади. Ишчилар юксак кўтаринкилик билан ишламоқдалар.

Юбилей йилида бирлашма коллективи 31 мингдан ортиқ трактор тайёрлаб беришга аҳд қилган. Бу — ўтган йилдагидан 2 мингта трактор кўп ишлаб чиқарилади демакдир. Республика пахтакорлари ва буюртмачи республикалар учун бу йил 38 мингта прицеп, 7 миллион 22 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Кенг истеъмолчилар ишлаб чиқариш эса 1,5 баравар оширилади. Бирлашма бўйича меҳнат унумдорлигининг пландан ташқари 1 процент ўстирилиши, маҳсулот таннархининг 0,5 процент камайтирилиши, қўшимча 1,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконини беради. Пойтахтимиздаги энг йирик корхона меҳнатчилари ана шу кўрсаткичдан ҳам ўзиб кетиш мақсадида ишга янада жиддийроқ муносабатда бўлишга, меҳнат интизомини қатъий мустаҳкамлаб, бу билан юқори самарадорликка эришишга интилмоқдалар. Бу интилишнинг натижаси шубҳасиз, муваффақиятли бўлади. Қутлуғ санага муваффақиятдан ҳам афзалроқ туҳфа борми?..

С. САИДОВ.



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ёшлардан малакали ишчи кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор берилаяпти.

СУРАТДА: бирлашма янги тўқув цехининг ветеран тўқувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Раиса Маткаримова (чапда), Тошкент политехникуми трикотаж бўлимининг юқори курс ўқувчиси комсомол аъзоси Мукаррама Қаюмовага тўқиш дастгоҳининг иши юзасидан амалий кўрсатма бермоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

ДИЛИМ РАНЖИДИ

Мен Улуғ Ватан урушининг II группа инвалидиман. 15 апрель, якшанба куни соат 17 да Революция хиёбонида таксини бир соат кутиб турдим.

«Самарқанд» автостанциясидан соат 18.20 да Гулистон томонга борадиган автобусга ўтиришим керак бўлгани учун тўхтаб турган 05—30 ТНА ва 03—85 ТНА машина ҳайдовчиларидан манзилимга олиб бориб қўйишларини сўрадим. Ёнимда турган бошқа одамлар ҳам илтимос қилишди. Лекин икковидан ҳам рад жавобини эшитдик. Фамилияларини сўрасам айтишмади. Охири бир амаллаб, бошқа машинага ўтириб кетдим.

Нега энди баъзи эркатой такси ҳайдовчилар давлат машинасидан худди шахсий машинасидек фойдаланишади! Бундайлар халқ хизматини қилувчилар эмас, балки асаббузар, давлат машинасини бойлик орттириш воситасига айлантирган кишилардир. Биз қачонгача бундайлар билан мурosa қиламиз! Инсоф борми уларда!!

С. НАЖМИДДИНОВ,
Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди.

ДОҒДА ҚОЛДИРДИ

Шу йил 13 апрель куни «Кўк бозор» бекатида 1-трамвайни бир соат кутиб қолдик. Ниҳоят 1104-номерли трамвай келиб тўхтади. Ҳайдовчи «Вагон бузуқ, депога боради» дейишига қарамай ҳеч бўлмаса ўша ерга ча бориб олиш ниятида вагонга чиқдик. Вагон паркка етиб келгач биз вагондан тушдик ва у паркка кирмай ҳаммамизни доғда қолдириб, яна олға кетаверди.

Биз ҳайдовчининг муддаосини тушуна олмадик. Бу нима — эркатойликми ёки атайлаб йўловчиларнинг асабига тегишми!

Р. ИСАЕВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
С. ЗОКИРОВ,
пенсионерлар.

ТЎХТАМАСДАН ЎТАДИ

Янгиобод массивидан марказга ўқишга, ишга қатнайдиганлар жуда кўп. Бизга хизмат кўрсатадиган 26-маршрутдаги автобус ҳайдовчилари буни яхши билишади-ю, лекин бекатларда тўхтамасдан ўтишади. Яхшиямки, бахтимизга 15-маршрут бор. Шунга бир амаллаб чиқиб оламиз. 26-маршрутдаги автобусларнинг график бўйича қатнаши қачон таъминланади!

Н. ҲАМИДОВА, С. ИМОМОВ, Н. ТОЛИПОВА ва бошқалар.

КУТАВЕРИБ ЧАРЧАЙМИЗ

Революция хиёбонидан 5-маршрутли автобусга ўтириб Шуманов шаҳарчасига борши учун ана шу маршрутдаги транспортни бир соатлаб кутишга тўғри келади. Айниқса тушлик вақтида. Бошқа автобуслар кетма-кет келиб туради. Лекин бу маршрутдан дарак бўлмайди. Охири чидамасдан бирор машинага ўтириб кетишга тўғри келади. Наҳотки, галма-гал тушликка чиқишни планлаштириш қийин бўлса! 5-маршрутдаги автобуснинг график бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатиши қачон йўлга қўйилади!

Н. БОЗОРОВА,
хизматчи.

Беш йиллик вахтасида

МАШИНАСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

«Узбекхлопко м а ш» ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиз индустриясида муҳим ўрин тутади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган машиналар мамлакатимизнинг барча пахта тозалаш саноати корхоналарида, шунингдек, чет элларда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

3-механика-йиғув цехи бирлашманинг асосий ишлаб чиқариш участкаси, бир сўз билан айтганда бош конвейери ҳисобланади. Барча цехларда тайёрланган деталь ва қисмлар худди мана шу ерда йиғилиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади.

Кенг ва ёруғ, замонавий ускуналар ўрнатилган бу цехда юқори меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Йиғувчи-слесарлар ўзгача ғайрат-шижоат билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бутун фикри-зикри, диққат-эътибори сифатли ва самарали ишлашга қаратилган.

Цехда ҳаммаси бўлиб 80 киши меҳнат қилади. Улар турли миллат вакиллари бўлсада, аҳил ва уюшқоқ, бир онла фарзандларидек ҳамжиҳат. Бундан ташқари цех коллективи ўртасида мустаҳкам меҳнат интизоми ўрнатилган. Қолаверса, социалистик мусобақа намуналарини йўлга қўйилган.

Йиғувчи-слесар л а р ўн биринчи беш йиллигининг тўртинчи йили дастлабки кварталида ҳам қувончли натижаларга эришдилар. Коллективда ишлаб чиқариш илғорлари, новатор ишчилар кўпчилигини ташкил этади. Йиғувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Георгий Михайлович Эрик, йиғувчи-слесарь Раҳматилла Муҳаммаджонов, «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Неъматилла Тошматов, Виктор Мурзин, Юрий Назаров, фрезерчи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Адҳам Аъзамхўжаев ва бошқалар эришаётган кўрсаткичлар бутун коллективни қувонтирмоқда.

Цех коллективи 1984 йил учун ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилган. Йиллик планни муддатидан илгари бажариш, янги техника ва технологияни жорий этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш эвазига меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини ярим процентга арзонлаштириш, натижада 12 минг сўмлик қўшимча иқтисодий самара олиш ҳамда бу йил «ОВМ—А» маркали машинани давлат Сифат белгиси аттестациясига тавсия этиш— социалистик мажбуриятнинг асосини ташкил этади.

Йиғувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Георгий Михайлович Эрик, йиғувчи-слесарь Раҳматилла Муҳаммаджонов, «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Неъматилла Тошматов, Виктор Мурзин, Юрий Назаров, фрезерчи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Адҳам Аъзамхўжаев ва бошқалар эришаётган кўрсаткичлар бутун коллективни қувонтирмоқда.

Цех коллективи 1984 йил учун ўз зиммасига олган оширилган мажбуриятлар асосида ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик планни муддатидан илгари—27 декабрда бажаради, пландан ташқари 800 минг сўмлик саноат маҳсулоти, шу жумладан 50 минг сўмлик халқ истеъмол моллари реализация қилади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 7,5 процент оширилади. Меҳнат унумдорлиги пландаги 5,2 процент ўрнига 6,2 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 92,2 проценти ана шу ошиш ҳисобига қўлга киритилади. Меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш бирлашма бўйича йил давомида 547 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳеч шубҳа йўққи, бирлашма машинасозлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақани авж олдириб, белгиланган план-топшириқларини шараф билан бажарадилар.

Б. САИДАЛИЕВ.



Сальвадорда «Ўлим эскадронлари»нинг бебошлиги давом этмоқда. Фақат март ойининг ўзидагина 430 сальвадорлик босқинчилар томонидан ўлдирилган.

СУРАТДА: Сальвадор пойтахтида бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари «дом-дараксиз йўқолган» қариндошлари тўғрисида маълумот бериш-ларини талаб қилмоқда.

АП—ТАСС телефотоси.


ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СИСТЕМАСИ

ВЬЕНТЬЯН. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида Лаосда халқ соғлиғини сақлаш ва бепул медицина хизмати кўрсатишнинг самарали системаси ташкил қилинди, ўнлаб касалхоналар, поликлиникалар ва медицина пунктлари қурилди, Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар ёрдами билан деб таъкидлади ЛХДР соғлиқни сақлаш министри Кхамлиенг Фолксена бу ерда бўлиб ўтган республика конференциясида сўзлаган нутқида, малакали врачлар ва медицина ходимларининг катта отряди тайёрланди.

Ўтган йигирма йил мобайнида Лаосда медицина ходимлари учун баравар кўпайди. Давлат соғлиқни сақлашни мустаҳкамлаш, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш учун анча маблағ ажратмоқда. Министр миллий медицина кадрларини тайёрлашда ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ЛХДРга жуда катта ёрдам бераётганликлари учун Совет Иттифоқига, Вьетнамга ва бошқа қардош социалистик мамлакатларга самимий миннатдорчилик изҳор этди.



ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРАГА. Пльзень шаҳрида умумреспублика китоб савдоси кўргазмаси очилди. Кўргазма ташкилотчилари жамоатчиликнинг кенг доираларини Чехословакияда ва чет элларда нашр этилган янги китоблар билан таништиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Китоб ярмаркаси павильонларида мамлакатдаги 37 нашриёт чиқарган китоблар қўйилган. Томошабинлар кичкинтойларга мўлжалланган янги асарлар билан танишишлари, ранг-баранг фотоальбомлар ва грампластинкалар сотиб олишлари мумкин.

Кўргазманинг «Китоб тинчлик ва тараққиёт учун курашда» деган шиори унинг асосий мавзуини белгилаб бермоқда. Шу боисдан совет ёзувчиларининг чех ва словак тилларига таржима қилинган ва совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи асарлари қўйилган стендлар олдида одамлар айниқса гавжум.

Пльзенда ташкил қилинган май ярмаркаси китобсеварларда ҳамиша зўр қизиқиш туғдирмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина уни 20 мингдан кўпроқ киши келиб кўрган эди.

* * *

УЛАН-БАТОР. Бу ердаги совет фани ва маданияти уйида «Монголия совет санъаткори нигоҳида» мавзуида бадиий кўргазма очилди. Кўргазма МХР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида амалга оширила бошланган кенг маданият программаси тадбирларидан биридир. Санъатшунослик кандидати Ю. Викторов бу ерга қўйилган ишларнинг муаллифларидир. Экспозицияда Монголиянинг бепоён дашт ва ўрмонлари, тоғ ва дарёларининг мисли йўқ гўзаллиги тўғрисида, мамлакатнинг ажойиб одамлари ва уларнинг шонли меҳнат зафарлари ҳақида ҳикоя қилувчи юздан ортиқ расм, сурат ва гравюра бор. Кўргазма МХР пойтахти жамоатчилигида зўр қизиқиш туғдирди.

* * *

БЕРЛИН. ГДР пойтахтидаги энг машҳур театрлардан бири — Максим Горький номли Берлин драма театри саҳнасида А. П. Чеховнинг «Платонов» пьесаси премьераси бўлди. Премьера зўр муваффақият билан ўтди. Театр режиссёри Т. Лангхоф спектаклни саҳналаштирган. Таниқдчилар Платонов ролини ижро этган истеъдодли артист Клаус Манхеннинг ғоят таъсирли ўйнаганини, автор фикрини етказиб бераолганини уқтириб ўтдилар.

Максим Горький номли театр труппаси Чехов ижодига биринчи марта мурожаат қилаётгани йўқ. 1979 йилда театр саҳнасида ёзувчининг «Уч опа-сингиллар» пьесаси қўйилган эди.

* * *

НИКОСИЯ. Совет маданият марказида совет китоблари кўргазмаси очилди. Фан ва техниканинг турли соҳаларига оид инглиз ва грек тилларида нашр этилган кўплаб китоблар, Маркс, Энгельс ва Ленин асарлари, бадиий адабиётлар кўргазмага қўйилган. Совет ва рус композиторларининг пластинкалари, почта марклари томошабинларга ғоят манзур бўлмоқда.

Ҳукмрон Исроил доираларининг экспансионистик йўлини Америка Қўшма Штатлари маъмурияти қўллаб-қувватлаб, рағбатлантираётгани, бу эса фаластинликлар учун янги азоб-уқубатлар келтирмоқда.

Америкаликнинг «Ю. С. Ньюс энд Уорлд рипорт» журналидан олинган ушбу суратда Ливан территориясидаги фаластинлик қочоқлар лагерида Исроил ҳарбийлари вайрон қилган уйлар.

ТАСС фотохроникаси.

ПРЕЗИДЕНТ ЛАВОЗИМИ НЕЧА ПУЛ?

ВАШИНГТОН. Оқ уйдаги президент курсисининг нархи неча пул! Ҳозирги сайлов кампанияси муносабати билан оддий америкаликлар шундай савол беришмоқда. «Рейган—Буш-84» комитети ҳозиргача хусусий кишилардан сайлов кампаниясини ўтказиш учун 15 миллион доллардан кўпроқ пул олганини эълон қилди. Федерал сайлов фондининг дотацияларни деб аталган маблағ ҳам бунинг ёнига қўшилса, ҳозирги вақтда республикачилар партиясининг ихтиёрида сайлов кампаниясини ўтказиш учун сал кам 40 миллион доллар борлиги маълум бўлади.

Америка матбуоти шу хабарни шарҳлаб, АҚШ президенти Р. Рейган сайловга тайёргарлик давомида «Бойлар президенти» деган номини яна бир бор тасдиқлаганини уқтириб ёзмоқда. У сайлов кампанияси ўтказиш учун хусусий манбалардан пул маблағи тўплашда демократлар партиясидаги ўз рақибларидан анча ўзиб кетди. Ҳарбий программаларни амалга оширш йўли билан АҚШ давлат бюджетидан катта фойда ўмариб олаётган монополистик доираларнинг биринчи галда мана шундай манба ва-зифасини бажармоқда. АҚШдаги телевизион компаниялардан бирининг хабар қилишича, яқинда Вашингтонда «Республикачилар партиясининг давлатманд тарафдорлари» учун ўтказилган зиёфатда АҚШ президенти нутқ сўзлаган ва унинг маъмуриятидаги кўпгина аъзолар ҳозир бўлганлар. Зиёфатда ҳозир бўлиш учун тарқатилган билет 1500 доллар турган. Бу ерда хабар қилишларича, зиёфатда бир тадбирнинг ўзига пул йиғиш соҳасида америкача рекорд қўйилган —5 миллион долларга яқин мана шу пул Рейганнинг сайлов фондига тушади. Америка демократиясининг башорати ва «эркин» сайлов деб аталган сайловнинг қиёфаси мана шундай.

СИЧҚОНЛАР ҲУЖУМИ

Австралиядаги чорбир Жуний шаҳри атрофлишу шаҳар сичқон ғалласи ҳужумининг даф этилган. Экинларни йўқ қилиб ган сичқонлар уй-жойларда ва ошхоналарда ҳужаликлари ҳомоқда. Уларга қарши турли воситалардан, жумладан қаттиқ таъсирловчи заҳардан фойдаланган. Аммо бу тузоқ ва тижа бермаётир. Ҳатто план, бу ердаги дон зарларининг ишчилари ҳам куни иш вақтларишган ярмини «душманга ташлаш» ишларига сарфлаётган далар.

Мельбурндаги ғалла-лоқ ҳужалиги департаментида ғалати бир ҳодиса рўй берган: ерда сичқонлар кемирувчиларга қарши сунъий куяш юзасидан фермерларга берилган тавсиялар чоп этилган китобчаларнинг бутун тиражини йўқ қилиб юборибди.

КАРТАДАН ЎЧАДИГАН КЎЛ

Урси кўлини Юпитер Вольта картасидан ҳам ўчириб юборши мумкин. Саҳни неча юз гектарни борадиган шу кўлнинг тубида ҳозир зебр ва эчкилар сўлғин катларни чиндиб юрмоқда. Жазирама кундан кўлнинг суви ҳам мила бўғланиб кетган.

Сахрон Кабир чўлининг жануб сари Ғарбий Африка мамлакатларига кўргокчилик бошланишига ўн йилдан ошган. 1973 йил чўл бошлаган натижасида юз минглаб яқин киши ва миллион бош чорва ҳалок бўлганди. Ушандан бери аҳвол сира ҳам яхшиланмади. Бутун кўргокчилик вақтида қаттиқ таъсирланган ўлкаларнинг 90 процентдан ортиғида кузги ёғин-теринг олинди, ҳосилининг 80 процентдан кўпи ҳозирги вақтда ерости сувларидан фойдаланиш ҳисобига етиштирилмоқда.

«ЗАРАРЛАНГАН РАЙОНЛАР»

Атроф муҳитнинг бугланиш проблемаларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи Токио давлат институти Япония пойтахтидаги асосий автомобиль йўлларни ёқасидан 40 метргача масофадаги участкаларни «зарарланган районлар» деб эълон қилди. Шу зонадаги чиқарилган газ концентрацияси йўл қўйиладиган ҳамма нормалардан ортиқ бўлиб, йўл бўйларида қурилган уйларда яшовчи кишиларнинг соғлиғига жиддий зарар солмоқда, дейилади тадқиқот ташкилотининг докладида. Жаҳоттолик фикри сўраб кўрилганида автомобиль йўлларни ёқасида яшаш мажбур бўлган тоғликларнинг 50 процентдан кўпи захарланиш ҳаво ва моторларнинг қачаю-кундуз тутаб туришин уларнинг тақдирини тоқ қилаётганини кўрсатган.

ЁНҒИН САБАБЛИ

Японияниг Хоккайдо оролидаги шаҳтёрлар шаҳри ёнида ёнғин чиққанлиги натижасида ётти киши ҳалок бўлган. Бу шаҳар бутун Япония учун монополистик хавфсизлик техникасининг энг олдинги нарвони ҳам жиноятнинг назар-писанд этмаслиги рамзи бўлиб қолган. Бундан икки йил аввал «Сэкитан шахтасида газ портлаши натижасида 91 киши ҳалок бўлган эди. Шу йилнинг январида «Арнакс» шахтасидаги электр симларининг ташиб кетиши натижасида чиққан ёнғиндан 42 шахтёр тириклайин ёниб кетди ёки бўғилиб ўлди. 1961 йилдан бери Япония шахталарида турли фалокатлардан 1 мингдан кўп киши ҳалок бўлди ёки жароҳатланди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ПУЛ ЙЎҚОЛДИ»

Газетанинг шу йил 28 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилиб, унда 84-алоқа бўлимидагиларнинг хизмати танқид қилинган эди. Редакция шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармасидан қуйидаги жавобни олди:

Мақола 84-алоқа бўлимининг диспетчерлари йиғилишида муҳокама қилинди. 84-алоқа бўлимининг бошлиғи Т. Шамшиева ишда йўл қўйган хатоси учун жиддий огоҳлантирилди. Алоқа уставига мувофиқ Ш. Қурбоновага пулни кечиктириб олгани учун 1 сўм қайтарилади.

«ЎН БИР ЯРИМ СЎМЛИК УЗР»

Газетанинг шу йил 27 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола берилиб, унда 3-прокат пунктида мижоздан прейскурантида кўрсатилганидан кўп ҳақ олингани айтилган эди. Редакция шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг «Ташгорпрокатразнобит» ишлаб чиқариш бирлашмасидан қуйидаги жавобни олди:

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

22 МАЙ, 1984 й.

3-прокат салонида вақтинча қабул қилувчилик вазифасида ишлаб турган А. Салимовага мижоздан прейскурантда кўрсатилган баҳодан кўп ҳақ олгани учун виговор берилди. Газетхон К. Холдоровадан нотўғри олинган 11 сўм 50 тийин почта орқали унга қайтарилади.

«Тошкент оқшомига жавоб берадилар

«ИСРОФГАРЧИЛИК ЭМАСМИ?»

Газетанинг шу йил 2 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида чиққан мақола юзасидан редакция «Ташкентхлеб» бирлашмасидан қуйидаги жавобни олди:

«Шу йилнинг 4 апрель куни Куйбишев райпищеторгига қарашли 71, 75-озиқ-овқат магазинларида текшириш ўтказилганда қуйидагилар аниқланди: 71-магазинга нон заводидан нон-булка маҳсулотлари келтирилмас, 75-магазиндагилар эса нон заводи бирлашмаси ва ихтисослаштирилган кооперативдан ташқари бошқармасидан маҳсулот олишар экан. 75-магазин мудири С. Исҳоқовнинг айтишича «Ташкентхлеб» маҳсулотларига ҳеч қандай даъволари йўқ. Кооперативнинг маҳсулотлари эса кўпинча хом, куйган бўлади. Нонининг сифатини яхшилаш ҳақидаги мақола директорларнинг навбатдаги йиғилишида мастерлар, технологлар иштирокида ишлаб чиқилади».

Н. ШУКУРОВ,
«Ташкентхлеб» бирлашмасининг бош директори.

● АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИГА

Биз тинчлик ва дўстлик тарафдоримиз

Жаҳон халқларининг империализмга қарши, демократия ва тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашга йўлдаги барча ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаштириш уч қитъа-ларнинг прогрессив кинематографистлари ҳамда амалга оширётган ишларининг ижодий йўналишини ташкил этади. Планетамиз прогрессив кишиларини ташвишлантираётган муаммо, масалалар VIII Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларининг ҳам диққат-эътиборида бўлди. Зотан фестивал-нинг шиори ҳам жаҳонда тинчликни сақлаб қолишдек умумий ишда барча кучларни бирлаштиришдан иборатдир.

Кино байрами кунларида Тошкент темирйўлчилар маданият саройида шаҳар жамоатчилиги вакилларининг Африка озодлиги кунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтади. «Баҳор» концерт залида араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши курашига бирдамлик митинги бўлади. Лотин Америкаси халқларининг империализм ва АҚШ реакциясига қарши, демократик тараққиёт учун курашига бағишланган йиғилиш Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон пойтахтининг минглаб ишчи-хизматчиларн ва студентларнинг тинчлик ва озодлик учун курашаётган халқларга ҳайрихоҳлик ва бирдамлик даъватига уч қитъа кино арбоблари, жаҳон прогрессив кино усталарининг мақсад ва интилишлари ҳамоҳангдир.



Режиссёр Э. Эшмуҳамедов ва О. Агишевларнинг ижодий ҳамкорлигида «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган «Даҳонинг ёшлиги» фильми шарк тиббиётининг асосчиси, буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Картина ўтган йили Бутуниттифоқ Ленинград кинофестивали совринни билан тақдирланган эди. Ўзбек экран усталари яратган ушбу картина Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивалида расмий жиҳатдан намойиш этиш учун танлаб олинди.

СУРАТДА: «Даҳонинг ёшлиги» фильмидан кадр.

«Тошкент оқшоми»нинг фестиваль экрани

ЯПОНИЯ ФИЛЬМЛАРИ

Япония жаҳондаги кино санъати ривожланган мамлакатлардан биридир. Япон кинематографчилари Халқаро Тошкент кинофестивалларининг барчасида фаол қатнашиб келишмоқда.

Япония кинематографчилари мамлакатдаги «Тосё», «Сётику», «Дайэй», «Тоэй», «Никкацу» каби йирик кино фирмалари яратаётган кинофильмлар асосида ривожланиб боряпти. Айниқса, «Сётику» ва «Тохо» фирмаларининг кино асарлари совет томошабинларини яхши таниш. Ўтган фестивалларда намойиш этилган режиссёр Ёдзи Ямаданинг «Олис тоғлар садоси», Токихиса Морикаванинг «Икар қанотлари», Казухико Ямагутининг «Шафқатсиз каратэ», шунингдек, «Биринчи муҳаббат даври», «Момақалдироқ», «Овчи» каби ранг-баранг картиналарида Япония ҳаётининг кескин масалалари, драматик тўқнашувлар, ижтимоий муаммолар маҳорат билан тасвирланган.

Иккинчи жаҳон уруши оқибатларини кўрсатиш, ҳамон уруш азобини чекаётган япон меҳнаткашлари фожиасини тасвирлаш, урушга қарши руҳдаги фильмлар ҳам прогрессив йўналишдаги режиссёрларнинг ижодий ишларида муҳим ўрин тутади.

Япон кинорежиссёрлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали Бош дирекциясининг таклифига биноан Кэйсукэ Киносита, Дзюнья Сато, Иодзи Ямада каби таниқли япон кинофестивалларининг барчасида фаол қатнашиб келишмоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг биринчи салюти... У бундан 41 йил бурун, 1943 йилнинг 5 августидан 6 августига ўтар нечаси бутун дунёда акс-садо бериб Москва осмонида гумбурлади.

Ўшанда, 5 август кечки пайт Москва радиоси соат 11 билан 11.30 минут орасида муҳим хабар берилиши тўғрисида огоҳлантирди. Одамлар репродукторнинг овоз беришини сабрсизлик билан кутишди.

— Олий Бош қўмондон буйруғи... — диктор-нинг овози тантанали ва шодиёна оҳангда янгради. Орёл ва Белгород озод этилганди. Жанглар-да мардлик кўрсатган дивизияларга озод этилган шаҳарлар шарафига «Орёл» ва «Белгород» номи берилгани маълум қилинди. Буйруқ фавқулодда қуйидагича тугалланди: «Бугун, 5 август соат 24 да Ватанимиз пойтахти Москва 120 та тўпдан бир йўла 12 марта ўқ узиб, Орёл ва Белгородни озод қилган шавкатли қўшинларимиз шарафига артиллерия салют беради». Буйруқ уч марта қайтарилди.

Қоқ ярим тунда артиллерия салютининг биринчи зарби гумбурлади. 1943 йил 6 августда «Известия» газетасида бу воқеа тўғрисида шундай ёзилганди: «Одамлар томларга чиқиб олишди, ҳовлиларда тунашди. Москва халқи кўчаларга отилди. Улар ҳаяжонда «ура» садолари остида чапак чалиб қичқиришди...»

Таниқли совет шоири Лебедев-Кумачнинг шу тунда ёзиб, эртасига «Известия» газетасида босилиб чиққан шеъри «Москва осмонида тантанали салют гумбурлади...» деб бошланарди.

«Москва фақат ўзи учун эмас, балки бутун Россия учун салют берди...» — деб ёзди шу тун Илья Эренбург.

Ватан уруши фронтларида совет қўшинларининг ғалабасини Москва салютлари билан нишонлаш анъанаси шундан бошланди.

Иккинчи ғалаба салюти ҳам 1943 йилнинг шу ойида янгради.

Олий Бош қўмондон буйруғида шундай сўзлар бор эди: «Харьков остоналарида эришилган ғалаба шарафи учун бугун, 23 август соат 21 да пойтахтимиз Москва Харьковни озод қилган шавкатли қўшинларимизга 224 та тўпдан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют беради». Москванинг қоронғи осмони салютнинг ёркин ва чиройли манзараси билан ёришиб кетди. Осмонга кўтарилган юзлаб ракеталар худди пойтахтга катта гулдасталар тақдим этаётгандек ҳар хил рангда товланар, зенит тўпларидан учаётган тўқлар ялтираб, жозибадор нақшлар чизарди.

Москва салютларини тўпдан олдига ўрнатилган бир қанча радио-микрофонлар орқали бутун мамлакат, бутун дунё эшитарди.

Уруш даврида совет кишилари радио карнайларидан янгровчи «Салют берилсин!» деган сўзлар билан тугалланувчи Олий Бош қўмондон буйруқларини ва ундан кейин янграйдиган салют овозларини зўр ҳаяжон ва қониқиш билан эшитишарди.

Баъзида кечалари бир неча марта салют бериларди 1944 йилнинг 27 июль, 1945 йилнинг 19 ва 22 январь кунларида эса Москвадан беш марта салют садолари янгради.

Ниҳоят, 1945 йил 9 май — ғалаба куни... Умумхалқ шодиёнаси, кўз ёшлари, бахт-саодати куни... Шу куни кечқурун яна ва охирги бор унутилмас салют янгради. Москва осмонида минглаб прожекторларнинг рангбаранг нурлари пойтахт осмонини чароғон қилди. Бу сафар минг-та тўпдан ўттиз марта ўқ узилиб, салют берилди. Бу Улуғ Ватан урушининг охирги — 354-салюти эди.

Эдуард ПАСЮТИН.

ФАН ва ТУРМУШ

ЎЗБЕКИСТОН ССР "ФАН" НАШРИЁТИ

МАЙ СОНИДА

Журналнинг май сонида, одатдагидек фан олам-дагн янгиликлар, кашфиёт ва ихтиролар ҳақида, она табиат бойликлари, халқ хўжалигида кенг қўлланаётган тажриба ва омиллар ҳақида кўпгина қизиқарли, мазмунли мақолалар ўқиш мумкин. Олимлардан И. Қодировнинг ғалати сув тўғрисидаги «Табиат кентаврлари», Ф. Артқнинг «Музлатилган ҳаёт», О. Одилхонов тайёрлаган «Денгиз дафиналарини излаб», Ш. Жабборованинг улуғ рус тили ҳақидаги «Қудратли восита», «Янги фанлар, янги соҳалар» рубрикаси остида Т. Мирзаалиевнинг «Коннотдан... ҳосил учун», фалсафа фанларн кандидати Ю. Орфеевнинг «Чалкаштирадиган... билиш», биолог олим Т. Тиловованинг «Ширин қовунннинг харидорлари», «Сатрларда тарқалиб, тўлқинларда таралур» мақолаларн қизиқиш билан ўқнлади. Шуннингдек, журналнинг бу сонида «Сирли ҳодисалар солномаси», «Кўнгил мавжлари», «Фанимиз жонкуярлари», «Ҳайвонот оламида», «Олимлар кўмаги», «Фантастика ишқибозларига» рубрикалари остида ранг-баранг ва ўқимишли материаллар берилган.

БИРИНЧИ САЛЮТ

Улуғ Ватан урушининг биринчи салюти... У бундан 41 йил бурун, 1943 йилнинг 5 августидан 6 августига ўтар нечаси бутун дунёда акс-садо бериб Москва осмонида гумбурлади.

Ўшанда, 5 август кечки пайт Москва радиоси соат 11 билан 11.30 минут орасида муҳим хабар берилиши тўғрисида огоҳлантирди. Одамлар репродукторнинг овоз беришини сабрсизлик билан кутишди.

— Олий Бош қўмондон буйруғи... — диктор-нинг овози тантанали ва шодиёна оҳангда янгради. Орёл ва Белгород озод этилганди. Жанглар-да мардлик кўрсатган дивизияларга озод этилган шаҳарлар шарафига «Орёл» ва «Белгород» номи берилгани маълум қилинди. Буйруқ фавқулодда қуйидагича тугалланди: «Бугун, 5 август соат 24 да Ватанимиз пойтахти Москва 120 та тўпдан бир йўла 12 марта ўқ узиб, Орёл ва Белгородни озод қилган шавкатли қўшинларимиз шарафига артиллерия салют беради». Буйруқ уч марта қайтарилди.

Қоқ ярим тунда артиллерия салютининг биринчи зарби гумбурлади. 1943 йил 6 августда «Известия» газетасида бу воқеа тўғрисида шундай ёзилганди: «Одамлар томларга чиқиб олишди, ҳовлиларда тунашди. Москва халқи кўчаларга отилди. Улар ҳаяжонда «ура» садолари остида чапак чалиб қичқиришди...»

Таниқли совет шоири Лебедев-Кумачнинг шу тунда ёзиб, эртасига «Известия» газетасида босилиб чиққан шеъри «Москва осмонида тантанали салют гумбурлади...» деб бошланарди.

«Москва фақат ўзи учун эмас, балки бутун Россия учун салют берди...» — деб ёзди шу тун Илья Эренбург.

Ватан уруши фронтларида совет қўшинларининг ғалабасини Москва салютлари билан нишонлаш анъанаси шундан бошланди.

Иккинчи ғалаба салюти ҳам 1943 йилнинг шу ойида янгради.

Олий Бош қўмондон буйруғида шундай сўзлар бор эди: «Харьков остоналарида эришилган ғалаба шарафи учун бугун, 23 август соат 21 да пойтахтимиз Москва Харьковни озод қилган шавкатли қўшинларимизга 224 та тўпдан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют беради». Москванинг қоронғи осмони салютнинг ёркин ва чиройли манзараси билан ёришиб кетди. Осмонга кўтарилган юзлаб ракеталар худди пойтахтга катта гулдасталар тақдим этаётгандек ҳар хил рангда товланар, зенит тўпларидан учаётган тўқлар ялтираб, жозибадор нақшлар чизарди.

Москва салютларини тўпдан олдига ўрнатилган бир қанча радио-микрофонлар орқали бутун мамлакат, бутун дунё эшитарди.

Уруш даврида совет кишилари радио карнайларидан янгровчи «Салют берилсин!» деган сўзлар билан тугалланувчи Олий Бош қўмондон буйруқларини ва ундан кейин янграйдиган салют овозларини зўр ҳаяжон ва қониқиш билан эшитишарди.

Баъзида кечалари бир неча марта салют бериларди 1944 йилнинг 27 июль, 1945 йилнинг 19 ва 22 январь кунларида эса Москвадан беш марта салют садолари янгради.

Ниҳоят, 1945 йил 9 май — ғалаба куни... Умумхалқ шодиёнаси, кўз ёшлари, бахт-саодати куни... Шу куни кечқурун яна ва охирги бор унутилмас салют янгради. Москва осмонида минглаб прожекторларнинг рангбаранг нурлари пойтахт осмонини чароғон қилди. Бу сафар минг-та тўпдан ўттиз марта ўқ узилиб, салют берилди. Бу Улуғ Ватан урушининг охирги — 354-салюти эди.

Эдуард ПАСЮТИН.

•Ўлкамиз тарихидан

АЛМАНТЕПА МУҲРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг Жиззах отрядн аъзолари Ғаллаорол районининг Қашқабулоқ қишлоғида жойлашган илк ўрта асрларга онд Алмантепа қалъа харобасини қазиш пайтида қизғиш тусли қимматбаҳо тош — сердолик (ақиқ)дан ясалган муҳр топишди. Тошнинг бир тарафи тухумсимон шаклда силлиқланиб, унда отнинг тасвири бўртиб туширилган. Муҳр ўртасида ип ўтказиб осиб қўйиш учун тешикча ҳам бор.

От бошм эгик, юраётган ҳолатда аксе эттирилиб, бўйинларига ёлларн аниқ кўринибтурибди. Бошида ингичка ипгани ҳам бор. Агар бу муҳрни юмшоқ нарсага босилса, отнинг тасвири унга кўчади.

Гемма, яъни муҳр ясаш энг аввал қадимги Шарқда расм бўлган. Сосонийлар Эроннинг сарой урф-одатлари тўғрисида асар ёзиб қолдирган араб ва форс тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, шоҳ кимнн бирор масъул амалга тайинласа, унн албатта уч муҳим нарса билан таъминлаган. Булар — қулоҳ, камар ва муҳрдир. Шундан сўнггина унинг ҳокимлиги тан олинган.

Шарқнинг буюк доншмандн Умар Хайём «Наврўзнома» асарида муҳрли узуклар ҳақида шундай ёзади: «Бармоғнга биринчи бор узук тақкан кишн бу шоҳ Жамшиддир. Айтадиларкнм, арбобнинг узуксиз бармоғи яловсиз лашкарга ўхшайди. Кнм ўткир ақл соҳиби бўлса, у журъатсиз бўлмайди, кнм журъатлн бўлса муҳрсиз бўлмайди, чунки арбобнинг хатн муҳрсиз бўлиши унинг ақлн занф ва журъатсизлигидан дарак беради... Энг муҳимн узук эмас, балки муҳрдир». Демак, ўрта асрларда муҳрнинг аҳамияти жуда катта бўлган.

Алмантепадан бир қанча сопол ндшлар ҳам топилдн. Уларнинг кўпн хонакн бўлиб, сифатн унчалик яхшн эмас. Улар Афроснёб ва бошқа маданий марказларда ясалган ндшларга тақлидан ншланган. Бу эса, Алмантепа аҳолисининг эндигина ўтроқлашаётган вақтнга тўғри келади. Биз топган муҳрда от тасвирланганлиги ҳам бежиз бўлмаса керак. Бу гемманн маълум шахс учун алоҳнда ясалган деб айтиш қнйин. Чунки ҳуддн шундай геммалар бошқа жойлардан ҳам топилган, бу эса уларнинг кенг оммa ёки маълум гуруҳлар учун ясалганини кўрсатади. Алмантепа тарнкибига кирувчи қадимгн Усрушона территориясида бундай муҳрлар учрамагандн. Демак, муҳр бошқа жойдан келтирилган кўринадн.

Қнммaтбаҳо тошларга ншлов бернш усули Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия» асарида батафснл баён этилган. Чунончн, ақиқ тошига тасвир туширнш учун бир нечa босқичдан иборат ншлов берилган. Аввал у тезакка ўраб қнздирилган. Кейин тош совнгач, ҳажмн бир оз кичрайган. Уни сандон устнга қўйиб, керакли қнсмн ажратиб олинган. Сўнгра бу бўлакнн терндан тнкилган қопга солнб, роса ншқалаб силлиқлангач, тош катта маҳорат билан пармаланган. Чунки салгина нонжўя ҳаракат тошга путур етказади. Муҳрдаги тасвир темир ёкн олмос асбобда ўйилган. Шунннг учун ҳам муҳрларда акс этган нафис суратлар ҳар қандай нознк дндлн кншнни ҳам ҳайратга солишн табнй. Жиззах топилмаларн мнлоднинг VI—VIII асрларига оиддир. Лекин муҳрларнинг авлоддан авлодга мерос тарнқасида ўтнши ҳисобга олинса, унн яна ҳам қадимгнроқ деб ҳнсоблаш мумкнн.

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, СССР Фанлар академияси Археология институтининг аспиранти.

САТРЛАРДА ТАРҚАТИЛИБ, ТЎЛҚИНЛАРДА ТАРАЛАР

● «ЮНЕСКО янгиликлари» бюллетенининг хабар беришига кўра, бутун дунёда 500 млн. лион телевизор, 1 млрд 300 миллион радиоприёмник бор, кунига 450 миллион нусхада газета нашр этилади.

● Дунёда энг улкан газета АҚШда нашр этилган. Бу 1859 йили Нью-Йорк шаҳрида мустақиллик куни шарафига чиқарилган «Илюминейтед гэдрапл констелейшн» газетасидир. Биллиард столини эслатувчи бу газетанинг бўйи — 2,6 метр, эни — 1,82 метр бўлиб, ҳар бири 30 устунга бўлинган 8 саҳифадан иборат. У 28 минг нусхада махсус пишиқ қоғозга босилган. Газетани чиқариш учун 8 ҳафта мобайнида 40 нафар ҳарф терувчи бетинимн ишлаган.

● Жаҳонда энг кичик газета Мексикада нашр этилган «Телеграмма»дир. Унинг икки юз нусхасини улкан газетанинг бир саҳифасига жо этиш мумкин.

● Савдо-сотиқни жонлантирнш мақсадида газета эълонларидан фойдаланишни инглиз доришуноси Гуггон жорий этган. Гуггон реклама ва эълонлар босиб чиқарнш мақсадида газета ташкил қиладн. У уйма-уй юриб, корхона ва муассасалар хўжайинларн билан учрашиб газета рекламаси фойдали эканлигини тарғиб этган. Ҳар бир эълон учун эса уч ярим шиллингдан ҳақ олган. Кўп ўтмай, Гуггон муваффақият қозонди. «Эълонлар варақаси» катта фойда келтириб, у катталгина бойлик тўпладн.

● Тинч океандаги Вануатяу Республикасида чиқадиган «Тамтам» («Ноғора»)и газетаси ҳар икки ҳафтада бир марта чоп этиладн ҳамда самолёт ва кемаларда республиканинг 66 оролига етказиб берилади. Газета инглиз тилининг маҳаллий шевасида, француз ва соф инглиз тилларида нашр этилади.

О. МУРАТТИБ тайёрлаган.

ЧЎНФУТ

Туганаксимон илдизли бу ўсимлик яшил, кулранг бўлиб, бўйи 30—75 сантиметрга етади. Новдаси ёш вақтида қисқа, майин туклар билан қопланади, кузда эса улар тўкилиб кетади. Илдизи дуккаксимон оч жигаранг бўлиб, ерга тик кириб боради. Пояси ҳам тик ўсади, у ярмидан бошлаб шохланади. Остки барглари тангачасимон, йирик, бирк-бирига яқин жойлашади, кузда тўкилиб кетади. Поянинг устки томонидаги барглар тухумсимон бўлиб, навбат билан жойлашади. Меваси шар шаклида, шарсимон думалоқ, бир оз ғадир-будир, уруғи чўзинчоқ, тўрт қиррали.

Бу ўсимлик баҳорда гуллаб, меваси кузда етилади.

Фарғона чўнфути тоғ-олди қияларида ўсади. У Ўрта Осиёда асосан Ғарбий Тяньшань ва Шимолий Помир, Олой районларида тарқалган.

Бу ўсимлик Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника боғида узоқ йиллардан бери ўстирилмоқда. Шаҳар шароитида ҳам яхши ўсмоқда, у май-июнь ойларида гуллайди, аммо ҳосили кам.

Чўнфутнинг илдизида оз миқдорда каучук моддаси бор. Мазкур модда заҳарли бўлганлигидан ҳайвонлар уни истеъмол қилмайди.

Ўсимлик мағзида қаҳрабо кислотаси бор, шу боисдан у қимматли ҳисобланади. Ундан олинадиган қаҳрабо кислотаси билан ишлов берилган чигит бир текис унниб чиқади.

Фарғона чўнфути эндем, яъни фақат айрим табиий шароитли ўсадиган наботот турндир. Шу боис у жуда камайиб кетмоқда. Шундай экан, қир-адирларда ёввойи ҳолда ўсадиган фойдали ва шифобахш ўсимликларни, жумладан Фарғона чўнфутини асрашимиз, уларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Аҳмад УСМОНОВ, биология фанлари доктори.

«СЎҒДИЁНА ҚИЗИ»

Шарқ эртакларининг қаҳрамонлари излаган сеҳрли кўзли узукни ҳозирги кунда магазиндан бемалол харид қилиш мумкин. Душанба заргарлик заводида ишлаб чиқарила бошланган бундай узук «Сўғдиёна қизи» деб аталди.

Шунисн қизиқки, узук кўзндаги тош ҳароратга қараб рангини ўзгартириб туради. Айтайлик, у хозиргина нафис жигарранг тусда бўлса, узук бармоққа тақилиши биланоқ ёқут рангида товлана бошлайди. Ҳарорат жиддаккина ўзгарса ҳам у қаҳрабо, зумрад, зангори, оч бинафша тусларда нур сочаверади. Хуллас, кўринишдан эртаклардаги сеҳрли тошлардан асло колишмайди.

Хўш, «Сўғдиёна қизи»нинг сири нимада! Сайқалланган тоғ биллурининг остига юпқагина суюқ кристалл жойлаштирилган, бу модда эса ҳароратга ўта таъсирчандир.

Тожикистон Қишлоқ хўжалик институтининг физик олимлари заргарларнинг тавсиясига кўра, кўркам манзаралн таркиб яратишди. Институтдаги махсус лабораторияда суюқ кристалларнинг оптик самарасидан турли техник системаларда фойдаланиш имкониятлари тадқиқ қилинади. Масалан, унча мураккаб бўлмаган датчик қатъий ҳарорат режимида ишловни қўриламда хавфли ўзгаришдан огоҳлантиришн мумкин. Суюқ кристаллар кўплаб асбобларда ишончли индикатор вазифасини ҳам бажара олади. Бу «жонли рангларн»дан хилма-хил мақсадда ишлатилувчи ёруғлик фильтрларида фойдаланиш жуда истиқболлидир.

КИНОФЕСТИВАЛЬ ЙЎЛДОШИ

Ўзбекистон пойтахтига ўз ишини бошлайдиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивалининг жаҳон кинематографияси ҳақида мухтасар маълумотлар бериб борилади.

VIII Халқаро Тошкент фестивалини кунларида «Кинофестиваль йўлдоши»нинг тўртта сони чоп этилади. Унинг дастлабки сони нашрга тайёрланди. Журнал Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимовнинг «Тошкентга марҳабо!» номли мақоласи билан очилади. СССР Кинематографчилар союзи правлённиеси секретари С. В. Баскаковнинг «Кино ва давр», академик Е. Велиховнинг «Тинчликни сақланг» сарлавҳали умумбашарий ғоялар билан суғорилган мақолалари биринчи сондан ўрин олган.

Журнал саҳифаларида бундан ташқари, Ўзбекистон ССР халқ шоираси, Халқаро Нилуфар мукофоти лауреати Зулфиянинг «Бирдамлик қўприги», «ИЛ—86» аэробусининг командири Улуғбек Ғозиназаровнинг «Дўстлик қанотлари остида», СССР халқ артисти Сергей Герасимовнинг «Байрам байроқларини баланд кўтариб» каби қутловлари билан танишасиз.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали Бош дирекциясининг нашри бўлган «Кинофестиваль йўлдоши»нинг журнали 1976 йилдан бўён ўтган IV кинофестивали кунларн ҳар куни мухлисларни кувончли воқеадан хабардор этиладиган журнал барча сонларида фестиваль кундалиги, социалистик мамлакатлар, Африка ва Лотин Америкаси кино санъатининг тараққиёти, иттифоқдош республикалар кинематографияси ҳақида маҳорат билан тасвирланган.

Иккинчи жаҳон урушн оқибатларини кўрсатиш, ҳамон урушнинг аччиқ ҳақиқатини кўрсатган япон меҳнаткашлари фожиасини тасвирлаш, урушга қарши руҳдаги фильмлар ҳам прогрессив йўналишдаги режиссёрларнинг ижодий ишларида муҳим ўрин тутади.

Япон кинорежиссёрлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали Бош дирекциясининг таклифига биноан Кэйсукэ Киносита, Дзюнья Сато, Иодзи Ямада каби таниқли япон кинофестивалларининг барчасида фаол қатнашиб келишмоқда.

КАРПОВМИ ЁКИ КАСПАРОВ?

● ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Бу савол ҳозир жаҳондаги минглаб шахмат ихлосмандларини тўлқинлантириб турибди. Улар бу саволга ҳозирча жавоб тополганлари йўқ. Рақибларнинг имкониятлари деярли тенг. Бир нарса аниқки, Карповни ҳам, Каспаровни ҳам бугунги кунда тўла асос билан «супергроссмейстерлар» деб аташ мумкин. Эло коэффициентни бўйича ҳам, мусобақалардаги муваффақиятига кўра ҳам, ўйинларнинг савнаси жиҳатидан ҳам улар бошқа барча ана шу юксак шахмат унвони эгаларидан, энг маҳоратли шахматчилардан ҳам сезиларли даражада илгарилаб кетдилар.

Совет шахмат мактабининг ана шу икки етакчи вакили ўртасидаги матч жаҳон биринчилиги мусобақалари тарихидаги энг қизиқ учрашув бўлса ажаб эмас. Бир томонда энг барқарор натижалар кўрсатаётган, ўз ижодий йўлининг чўққисида турган жаҳон чемпиони Карпов. У 33 ёшда. Айтиш мумкинки, шахматчи учун энг самарали бўлган ёшда. Кейинги тўққиз йил мобайнида чемпион энг юксак даражада ҳам бир текис ўйин кўрсатмоқда. Иккинчи томонда эса Каспаровнинг жуда эрта намоён бўлган, шу билан бирга етилиб қолган, ёркин таланти. Кейинги пайтларгача бокулик гроссмейстернинг партиялари энг аввало комбинацион ғоялар, замонавий миттельшпилнинг ўткир, тезкор тахлили билан, дебютдаги оригинал юришлар билан ҳайратга соларди. Аммо Корчной ва Смислов билан бўлган учрашувларда Каспаров ўйин охирида ҳам нозик маҳорат эгаси эканлигини кўрсатди. Айниқса, ташаббусни қўлга олганн, салгина бўлса-да устунликка эга бўлганида бу хнслатлар ёркин намоён бўлди. Энг кичик устунликни ҳам ғалабага етказишда 21 ёшли гроссмейстер жаҳон чемпионларига муносиб бўлган даражага эришди.

Ана шуларнинг ҳаммаси бўлажак матчда тенг кураш бўлишидан далолат бермоқда. Унинг натижаси эса номаълум. Ҳамма гап шундаки, рақибларнинг ўйин услуби бир-биридан фарқ қилади.

Ўзига хос, бетакрор ўйин услубига эга бўлган Карпов ижодида Хосе Рауль Капабланка ва Михаил Ботвинник сингари шахмат усталарининг энг яхши фазилатлари мужассамлашган. Карповнинг нозик позицион кўра билиши, ажойиб техникаси Капабланкага ўхшаса, дебютга фундаментал ёндошиш, қатъий интизом, энг майда иккир-чикирларгача ҳисобга олинган турмуш тарзи билан Ботвинникка яқин туради.

Каспаровнинг табиати ҳам ёркин ва ўзига хос. Аммо айрим хислатлари билан ўхшаб кетадиган машҳур шахматчилар бор. Айниқса, ҳозиргача номи ишқибозлар тилида бўлган Михаил Таль ва Роберт Фишерларга у кўп қиёсланади. Гўё Талга хос бўлган беқиёс ва америкаликлар гроссмейстернинг аниқлиги ва нозик техникаси Каспаров ижодида уйғунлашиб кетади.

Карпов аллақачон дебют стратегияси проблемасини ҳал қилган. Оқ доналар билан у қатъият билан юришга интилади. Қора доналар билан эса энг аввало мустаҳкам мудофаага ҳаракат қилади, дурангдан ҳам бўйин товламайди.

Каспаров ўзининг дебют стратегиясида анча ҳужумкор. У жуда актив, баъзида шиддаткор, оқлар билан ўйнагандагина эмас, қоралар билан ҳам Фишер ва Таль руҳида дадил, қалтис юришлар қилади.

Карпов тактадаги воқеаларнинг тез ривожланишини ёқтирмайди. Унинг хотиржам ҳаракати шахматчилар тилига тушган. У одатда кескин ҳаракатлар қилмайди, аввал доналарни яхшилаб ривожлантириб олади. Пиёдалар сафининг энг кичик ҳаракатига ҳам эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади.

Каспаров эса кутилмаган юришлар қилиши мумкин. Смислов билан бўлган матчнинг учинчи партиясидаги воқеалар ривожи бунга мисол бўла олади. Бокулик гроссмейстер ўйинннинг дастлабки босқичидаёқ, гарчи доналарни яхши жойлаштириш ҳисобига позицияни кучайтириш имкониятига эга бўлса ҳам, тўсатдан ўйинни эндшпилга ўтказишга қарор қилди. Эҳтимол бу энг яхши ечим эмасдир. Аммо бу ғалати режанинг психологик таъсири ўз самарасини берди. Смислов воқеаларнинг бундай ривожини кутмаган бўлса керак. У тенг ўйинга эришиш учун нозик йўл тополмади, натижада ютқизиққа олиб келадиган позицияга эга бўлди.

Каспаров ортиққа мавнёр қилишни ёқтирмайди. Дастлабки қулай имкониятдаёқ рақибнинг жанговар сафларини бўлиб юборишга интилади, тахтадаги шартли демаркацион чизиқни ҳам бажонидил кесиб ўтади, кучли позицня ёки ташаббусни қўлга киритиш учун доналарни чўчимай қурбон қилади.

Хуллас, ижодий жиҳатдан бир-бирига қарамақарши бўлган ҳар бири замонавий назария ва техника ютуқлари билан қуролланган икки кучли шахматчи бир-бири билан дуч келади. Табиийки, билим ва маҳорат бу ўйинда синовдан ўтади. Ким дебют жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрса, матчда ғалабага кўпроқ умид боғлаши мумкин. Шунинг учун ҳам уй лабораторияси, махсус назарий тайёргарлик, тренерларни танлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ана шу учрашув арафасида кўпчилик 1927 йилда Александр Алёхин ва Хосе Рауль Капабланка ўртасида бўлиб ўтган матчни хотирламоқда. Ушанда бўлиб ўтган шиддатли кураш (вақт жиҳатидан ҳозиргача энг узоқ бўлиб қолаётган матч) ва ажойиб комбинацнялар ҳозиргача шахмат мухлисларини ўзига жалб этиб келади. Карпов — Каспаров матчи ҳам ана шундай жозибали бўлишн кутилмоқда. Аммо шуни эслатиб ўтмоқчимизки, бундан 57 йил муқаддам бўлиб ўтган учрашувда мутахассислар фикри ягона эди. Капабланка кучли деб топилганди. Аммо бу фикр нотўғрилиги кейинчалик маълум бўлди.

Ҳозир эса бундай қатъий фикрлар йўқ.

Шахмат ишқибозлари учун бир неча рақамларни келтириб ўтмоқчимиз. Бундан ўн йил муқаддам Анатолий Карпов шахмат тожи учун кураш бошлаганида Полугаевский, Спасский, Корчнойларни бирин-кетин енгган эди. Ушанда Карпов жами 43 партия ўйнаган, шундан 10 тасини ютган ва фақат учтасидагина ютқизган эди.

Гарри Каспаров Белявский, Корчной, Смислов билан жами 33 партия ўйнади. Шундан 2 тасини ютқазди ва 12 тасини ютди. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам бўлажак рақибларнинг кўрсаткичлари деярли тенг.

Алексей СУЭТИН, халқаро гроссмейстер. (АПН).

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● СУВ МУСАФФОЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Венгер дарёси — Балатон кўли сувн сифатнни яхшилаш проблемаларига бағишланган конференция Ткестхей шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Венгрия Халқ Республикасининг марказий районларига бевосита яқин бўлган сув хўжалигн раҳбарлари қатнашдилар. Ҳозирги вақтда довруг қозонган бу курортнинг экологик маромини яхши сақлашга муҳим эътибор берилмоқда. Кейинги икки йилнинг ўзидагина тозалаш иншоотлари тармоқларнни такомиллаштиришга 1,5 миллиарддан зиёд форинт сарфланди.

● МЕТРО — ЖОН РОҲАТИ

Чехословакиянинг пойтахти Прага шаҳрида метрополитен биринчи линиясн фойдаланишга топширилгандан бери орадан 10 йил вақт ўтди. Ана шу йиллар ичнде ер ости йўли поездлари қарийб 2 миллиард пассажирни белгиланган манзилга элтиб қўйди. Ҳозирги пайтда Прага метроси линиясининг узунлиги 20 километрни ташкил этади. У 23 станцияни бир-бири билан боғлаб турадн. 1990 йилга келиб пойтахт метроси тармоқларн икки бараварга ошади — у 40 километрни ташкил этади, станциялар сонн эса 43 тага етади.

● ЕЛИМНИ ОТАДИГАН МИЛТИҚ

ГДР инженерлари антиқа «пистолет» яратдилар. У суюқ елимни отади. Мутахассисларнинг ҳисоблашича бу янгиликни саноатда ва манший турмушда кенг қўлланш мумкин. Пистолетни турли хилдаги елимлар билан «жанговар» ҳолга келтирнш мумкин: фақат қандай елимлар билан нима иш бажарнш лозимлигни аниқ бўлишн керак. Бундай пистолет билан елимни ғиштга, металлга, чиннига, шиша ёкн ёғочга отиш мумкин.

● ОВҚАТ ЕЙИШ ОСОНЛАШГАЧ...

Юз йиллар мобайнида Япония аҳолисн овқатланиш чоғида махсус чўплардан фойдаланиб тановул қилардн. Бироқ кейнигн йиллар мобайнида японлар ўзларн учун анча қулай бўлган вилка ва пичоқлардан кўпроқ фойдаланишни эп кўришмоқда. Яқинда ўтказилган текширув натижаларн шуни кўрсатдики унга жалб этилган 13 минг япондан фақат катта ёшдаги ҳар бир иккинчи кишигина қўлида чўпларни тўғри ушлар ва тановул вақтида ундан оқилона фойдалана олар экан...

● ЧАПАҚАЙЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Туғма чапақай бўлиб туғилган миллионлаб кишиларнинг ишини енгиллаштиришни ўйлаган мюнхенлик (ГФР) ишбилармон бир савдогар яқинда бундай кишилар учун махсус магазин очди. Магазинда сотувга қўйилган товарлар орасида бандн чап қўлда ушлашга мўлжалланган қайчи ва пичоқлар ҳамда бошқа кўплаб уй-рўзғор ишларида асқотадиган буюмлар бор.

● УЙДАГИ ФУТБОЛ МУЗЕЙИ

Мадриддаги ресторанлардан бирида официант бўлиб ишловчи Сальвадор Перес ўн йилдан зиёд вақтдан буён ўз уйидаги «жаҳон футболи тарихи музейи» учун материаллар йиғарди. Музейга ўнларча миниг экспонат қўйилган. Улар орасида газета ва журналлардан олниган қирқимлар, футбол программалари, почта марказлари, кнтоблар, фотосуратлар, открнткалар, футбол юлдузларининг дастхатлари, спорт формалари бор. Футбол ёдгорликлари 1904 йилдан бери бўлган даврни ўз ичига олади.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет. оқшоми

22 МАЙ, 1984 й.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

(«Ҳаммаси хотин-қизлар учун» комплексида, 2-қаватда)

22—26 МАЙ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТИКИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАВСУМБОП ВА ҚИШКИ ПАЛЬТОЛАРИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Иш соатлари — соат 9 дан 21.00 гача.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ (телефон 77-13-06).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (45-37-24).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар устки кийимларини тикувчи. Ўқиш муддати — 2 йил, 2,5 йил; эркаклар ва болалар кийимларини тайёрловчи тикувчи-мотористка. Ўқиш муддати — ўрта маълумотлилар учун 1 йил, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу соҳа бўйича таълим олганлар учун 6 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса ўқиш муддати — 3 йил; тикувчи-мотористка (трикотаж ишлаб чиқариш бўйича). **Ўқиш муддати— ўрта маълумотлилар учун 8 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йил.**

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганларга эгаллаган касби ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумот билан кирганларга эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини битириб келганларга эса ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ёзилган ариза, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (2, 16, 22, 23, 28, 3, 16-трамвайлар; 2, 9, 10, 17, 26, 56, 57, 60, 72, 88-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин—Мавзук кўчаси, 136-уй (27-трамвай; 10, 43, 88, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефон: 35-62-41.

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошидаги
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёрлар, конструктор-модельер, модали пойафзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8— 10-синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби бор.

Билим юртида бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) қабул ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

волочильшчилар, кранчилар (электр кўприкли кранларга), бронловчилар, толаловчилар, стрелкачилар, изоляциячилар, пресслoвчилар, қуювчилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
1-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

ғишт терувчилар, монтажчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, сувоқчилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

совутиш ускуналарининг слесарь-монтажчилари, вентиляция бўйича слесарь, инженер-созловчилар, автоматика ва контроль ўлчов асбоблари бўйича инженерлар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича слесарлар, слесарь-созловчилар, слесарь-сантехниклар, электромонтёрлар, лифт бўйича механиклар, инженер-конструкторлар, инженер-механиклар, лифтчилар, экономистлар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

уйда ишловчи каштачилар; машинада кашта тикувчилар, дўппиларга қўлда кашта тикувчилар, бухгалтерлар, экономистлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона,
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

МОДА ВА ЁШЛАР

ЁШЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН МОДАСИДА ЯНГИ-ЯНГИ ТАЛҚИНЛАР СИНГИБ БОРЯПТИКИ, НАТИЖАДА БУ УСЛУБЛАР БАРЧА МОДАГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТМОҚДА.

Бундай либосларнинг тонфаси учун хусусиятлар нималардан иборат?

КЎЙЛАКНИНГ УЗУН ВА ЮБКАНИНГ КАЛТА БЎЛИШИ, ҚИЕФАСИ ҲИЛПИРАБ ТУРИШИ, КИШИ ЎЗИНИ ЭРКИН ҲИС ЭТИШИ, РАНГЛАР ВА КОМПОЗИЦИОН УСЛУБЛАРНИНГ ЖОЗИБАЛИ МУШТАРАК ҲАЛ ЭТИЛИШИ МОДАНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

23—27 МАЙ КУНЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 1-МАГАЗИНИГА

ЁЗЛИК МОДАЛИ КЎЙЛАКЛАР

САВДО КЎРГАЗМАСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

СИЗГА ЭНГ МОДАЛИ ФАСОНДАГИ КЎЙЛАКЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШАДИ:

«янгилик» деб аталган кўйлак бели чокланган, калта енгли, тўқ зангори рангда бўлиб, ялтираб турувчи кумуш ип билан тикилган:

— **бели чокланган кўйлак,** ясаниш учун кийилади, янги безаклар ишлатилган (сунъий гул нақши ёпиштириб қадалган), ранги зангори, қирмизи, сарғишранг.

бели чокланган кўйлак, белбоғли, тўр тўқима билан безакланган, ранги қизил ва бинафша тусли.

ўсмирлар кўйлаги, белидан резинка ўтказилган, юбкаси воланли, ёқаси воланли.

Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача.

Душанба дам олиш куни.

Транспорт: 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 1, 8, 18-троллейбусларнинг «Пахтакор» бекати.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (41-54-21).

СЕВИМЛИ ҚЎҒИРЧОҚЛАР

ТИМСОҲ, САМАН ОТ, ҚУЁН, АЙИҚ ПОЛВОН, МУШУКЧА — ЧИНАКАМ ЖОНСИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИДИР!

Бундан ташқари чиройли кўйлак ва костюмчалар кийдириб қўйилган қорасочли, оқпар қизчалар ва ўғил болалар қўғирчоқлари фарзандларимизни беҳад қувонтиради.

Рельсларда поездлар қаёққадир ошиқиши, юк машиналари ва енгил автомобиллар пилдираб юриши билан фарзандингизга завқ бағишлайди.

АГАРДА СИЗ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН БУНДАЙ ҚЎҒИРЧОҚЛАР, ЎЙИНЧОҚЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИГАН БЎЛСАНГИЗ ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ ҚУВНОҚ ВА ҚИЗИҚУВЧАН БЎЛИБ КАМОЛОТГА ЕТАДИ.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:


«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — Октябрь бозори;
1 — Марказ-1 квартали, 4-уй;
2 — Марказ-2 квартали, 5-уй;
3 — Луначарское шоссеси, 76-уй;
4 — Фарҳод ярмаркаси;
5 — Сергели ярмаркаси;
6 — Большевик кўчаси, 6-«а» уй.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-43).



КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

«СНЕЖИНКА» ХОЛОДИЛЬНИГИ ХУСУСИДА ШУНДАЙ ДЕЙИШ МУМКИН.



ОШХОНАДА У ОЗГИНА ЖОЙНИ — 1/3 КВАДРАТ МЕТРНИ ЭГАЛЛАЙДИ, ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ ЭСА АНЧА ЮКСАК.

«СНЕЖИНКА»да озиқ-овқатларни сақлаш қулай, ишончли, тежамлидир.

Қулайлиги — барча маҳсулотлар «токчаларда»:
гўшт ва балиқ — совутиш камерасида;
сут маҳсулотлари, тухум, чанқоқбосди ичимликлар, шарбатлар, консервалар — эшик панелидаги жойларда;
сабзавот ва мевалар — пастда, махсус идишда сақланади.

Ишончли экани — тез бузиладиган маҳсулотлар (гўшт, балиқ) мазаси ва озиқлантириш хусусиятларини 3—4 ҳафтагача;
суюқ ва қуюқ таомлар — 2—3 кунгача йўқотмайди;
сабзавот ва мевалар бир неча кун давомида янги узилгандай сақланади.

Тежамлилиги—совутиш камераси умумий ҳажми 240 литр бўлгани ҳолда «СНЕЖИНКА» бошқа маркадаги холодильниклардан камроқ (1,7 квт.) электр энергиясини сарфлайди.

«СНЕЖИНКА» узлуксиз ишлашини истасангиз — уни тозалаш ва фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг.

Агар холодильник ишдан чиқса, ремонт устахонасига ушбу адрес бўйича мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, 2/1-Қорақамиш массиви, 24-«а» уй (Савдо маркази биносида). Шу ернинг ўзида кир ювиш машинаси, пилесосни ремонт қилдириш мумкин.

Ремонт устахонасига — 56, 59, 65, 82, 85 автобуслар билан «Кўз касалхонаси» бекатида, 27-трамвайнинг «Аптека» бекатида, 19, 102-маршрут таксиларининг «Касалхона» бекатида тушиб бориш мумкин.

46-58-64 телефони орқали 8 дан 20.00 гача устани уйга чақириш мумкин.

РЕМОНТ ТЕЗ ВА ГАРАНТИЯ БИЛАН БАЖАРИЛАДИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

сешанба

22 МАЙ

● МТ I

17.45 И. С. Бах. 5-Бранденбург ре мажор концерти. ГДРдан олиб кўрсатилади.
18.10 «Биз БАМни қуряпмиз».
18.55 Тинчлик велосипед пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
20.15 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси.
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 «Сиз яратган боғ».
19.45—20.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Эскулапнинг шогирди». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳунардан бахт унар».
18.55 «Иқтисодий эксперимент амалда». «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистон командалари ўртасида акробатика бўйича матч учрашуви. «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж.
20.15 «Ғаллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ассалом, фестивал!» Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивалининг очилишига.
23.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.10 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Ўқув программаси.
19.00 «Мискар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.10 «Педагог кадрлар маскани». Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти.
19.40 «Асрларнинг муҳим даврлари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
20.00 Тошкент янгиликлари».
20.25 «Шашмақом». Музикали фильм.
21.30 МТ II.

чоршанба

23 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Б. А. Рунов билан учрашуви.
10.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 3-фильмнинг 1-серияси.
11.35 «Саёҳатчилар клуби».
12.35 «Дўстингга пешвоз чиқ». Концерт.
13.05 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Одамларга зарур бўлиш учун». Телефильм.
15.50 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.
16.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.00 «Стадион ҳамма учун».
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Инсон ва қонун».
18.45 «Мактабислоҳоти». СССР Педагогика Фанлар академиясининг президенти М. И. Кондаков сўзи.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Спидвей бўйича халқаро мусобақалар. Ровнодан олиб кўрсатилади.
19.45 «ТЕЖАМКОРЛИК БРИГАДАДА ТУҒИЛАДИ». Ўзбекистон ССРда автомобиль транспортидан самарали фойдаланиш ҳақида.
20.15 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Рерих». Телефильм.
23.15 «Спорт ҳафталиги».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Қасамга содиқмиз». Телефильм.
12.10 —12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.10 —14.10 Совет тасвирий санъати. «В. А. Фаворский устахонасида».
14.40 Юхан Смуул. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.25 «Ўқувчиларга нон ҳақида».
16.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ака-ука Москаленколар». Физик олимлар ҳақида ҳужжатли фильм.
19.00 «Қишлоқ янгиликлари».
20.00 —20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Қайрат» — «Днепр». 2-тайм.
21.00 Болгар эстрадаси артистларининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Хайрли соатда». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Давоми». Телефильм.
10.30 «Тенгдошларинг ижодидан».
11.10 «Тинчлик ва дўстлик шаҳри». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Кўркам корабайирлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
12.30 Ўқув программаси (рус.).
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида».
19.00 ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади.
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.15 «Мен рақсга тушишни истайман». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
20.45 «Ахборот».
21.05 «Совет Ўзбекистони шаҳарлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонлари учун Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач— Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 —16.10 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
19.00 «Янги урф-одатлар ҳаётга!»
19.30 Ўқитувчи экрани (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.50 «Зардўзлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
21.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...»
21.30 МТ II.

КИНО

22 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМ...

«ОППОҚ ШУДРИНГ...» Чайка (жуфт соатлард... фон 77-06-20).
«АЙБДОР ДЕБ ТО... СИН» — Ватан (жуфт с... да).
«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ... РОҚЧИ САРГУЗАШТ...» Тошкент Советининг 50... ги номли (18, 21.00, т... 78-47-25).
«БЎРИ УЯСИ» — ... тон (17, 20.00; 18, 2... телефон 35-24-92), ... ба (17, 20.00; 18, 21.00... фон 66-15-75).
«САЛАМАНДРА» —... 30 йиллиги (жуфт со... телефон 33-44-52), Ўзбек... ССР 25 йиллиги номли ... атларда, телефон 53-65-... Шайхзода номли (тоқ ... да, телефон 42-39-74), ... номли (жуфт соатларда... фон 91-10-51).
«ҚИШЛОҚ ОРТИ... ОТИШМА» — Хива (... телефон 32-78-02).
«АВИАЦИЯ ХАЛО... ХАЗИНАСИ ТОМОН» ... Тинчлик (жуфт соатлар... лефон 58-36-06).

23, 24 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«САЛАМАНДРА» —... 30 йиллиги (жуфт соат... телефон 33-44-52), Ўзбек... ССР 25 йиллиги номли ... атларда, телефон 53-65-... Шайхзода номли (тоқ со... да, телефон 42-39-74), ... номли (жуфт соатларда... фон 91-10-51).
«АВИАЦИЯ ХАЛО... ХАЗИНАСИ ТОМОН» ... Тинчлик (жуфт соатлар... лефон 58-36-06).

СССР Алоқа министр...
ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
26 май соат 14.30 ...
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗАДИ

10 синф ўқувчилари... нингдек илгари мактаб... битириб, ҳозирда алоқа ... тутига ўқишга кириш ... бўлган йигит-қизлар ... қилинади.

Адрес: 700084, То... шаҳри, Энгельс кўчаси, ... мажлислар зали.

ТОШКЕНТ «ПРИБОР... САЛОНИДА
24 май соат 10.00 ...

«Микроэлектрон ... машиналари базасида ... программали бошқариш ... маси» мавзусида

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛА...

Ана шу мавзу бўйича ... қизиқувчилар таклиф этил...
Бир йўла салон ... бўлган приборлар билан ... танишиш мумкин:
ЧКН11-1 ўқиладиган ... нусха кўчирувчи аппар...
осциллограф С9-1,
иономер И-115,
ўлчаш системаси К...
частотомер Ч3-34,
экзаменаторлар ва ... қалар.

Бизнинг адрес: Тошкент ... ри, Ғ. Ғулом кўчаси, ... Телефонлар: 78-02-49, 7... 43, 78-03-43.

«ТАШКЕНТДОРСТРО... трестининг
ЎҚУВ КОМБИНАТИ
ишлаб чиқаришдан ажрал... ҳолда учинчи класс «... тегорнясидаги автомо... ҳайдовчиларини (профе... нал-ҳайдовчилар) тайё... диган
КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳарбий хизмат муд... ўтаган ва фақат Тош... шаҳрида пропискаси б... ёшлар қабул қилинади...
Ўқувчиларга ойига 60 ... стипендия тўланади.
Ўқиш муддати — 5 о...
Ўқишлар рус тилида ... борилади.
Ўқишга кириш учун қ... даги ҳужжатларни топш... лозим: шоферлик комис... сидан ўтганлиги тўғри... медицина справкаси, 3 ... фотосурат (3,5х4,5 см.), ... порт, ҳарбий билет, ме... дафтарчаси ва маълумо... тўғрисида ҳужжат.
Ўқув пункти 46-авто... территориясида жойлаш... (23-автобуснинг «46-авто... за» бекати, № 26, 30, 61, ... тобусларнинг «Янгиобод»... кати).

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси коллективи ... адвокат
Йўлдош ТОШҚОРИЕВнинг
вафот этганлигини чуқур ... ғу билан билдириб, ма... нинг оила аъзоларига та... изҳор қилади.

Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси коллективи ... район юридик консульта... адвокати Б. Расулов... **Тожи РАСУЛОВнинг** вафот этганлиги муно... билан чуқур таъзия ... қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

22 МАЙ, 1984 й.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—12268. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.